
ТУМАН ҲОКИМИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ

Юртимизда халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳолининг талаб ва таклифларини ўрганиш, уларнинг дардларини тинглаш, муаммоларни имкон даражасида жойида ҳал этиш ҳар бир раҳбар ва давлат органларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бугун туман халқ қабулхонасида туман ҳокими ва сектор раҳбарларининг навбатдаги қабули ўтказилди.

Бугунги қабул орқали фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш ва ҳал этиш учун тегишли ташкилот раҳбарлари жалб этилди.

Қабул давомида аҳоли томонидан билдирилган уй-жой таъминоти, кредит олиш, оилавий низолар, даволаниш учун пул маблағи олиш, моддий ёрдам олиш, суд-ҳуқуқ, ишга жойлашиш, алимент пули билан боғлиқ мурожаатлар тегишли тартибда ўрганилиб, ҳал этилди.

Эътиборлиси шундаки ҳар бир мурожаат туман ҳокимининг шахсан назорати остида шу ернинг ўзида ҳал қилинди. Муддат талаб қиладиган мурожаатлар мутасаддилар томонидан белгилаб олинди.

2021-08-11 06:09:35